

## Инфинитивнинг Синтактик Сатҳда Семантик Майдони

Юнусова Дилором Мухитдиновна<sup>1</sup>

**Аннотация:** Ушбу мақолада инфинитивнинг гап таркибида тутган ўрни, унинг гапдаги бошқа синтактик бирликлар билан синтактик алоқалари кўриб чиқилди.

**Калит сўзлар:** эга, кесим, ядро бўлмаган тобе компонент, ядро бўлмаган тобе предикатив 1, ядро бўлмаган предикатив 2, ядро уюшиқ предикатив 1.

Гапдаги вазифа инфинитивли гапларда иштирок этган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаб, аниқланган синтаксемалар аниқ синтактик алоқалар асосида қандай синтаксемалар билан боғланиш имкониятларини белгилаш ва уларнинг вариантларини аниқлашдан иборат. Синтактик таҳлилга бундай ёндашув гапда иштирок этган ҳар бир синтактик белгиларнинг семантик майдонини аниқ кўрсатишдир ҳамда гапнинг компонентларга ажратиб таҳлил қилишни тўлғазади. Инфинитивли гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда инфинитивни гап қурилмасида тутган ўрнига кўра тўрт турга бўлиш мумкин:

1. Гапда  $NP_1$  ўрнида инфинитив ифодалаган синтаксемалар;
2. Гапда  $NP_2$  ўрнида инфинитив ифодалаган синтаксемалар;
3. Гапда  $\checkmark D$  ўрнида инфинитив ифодалаган синтаксемалар;
4. Гапда  $\checkmark P_2$  ўрнида инфинитив ифодалаган синтаксемалар.

Ушбу синтактик ўринларда инфинитив ифодалаган синтаксемаларни ҳар бирини алоҳида қараб чиқишга тўғри келади.

Гап таркибида инфинитив ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) ўрнида келганда категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан процессуалликни ифодаласа, нокатегориал белгилардан эса активлик ёки стивликни ифодалаши мумкин. Ундан ташқари ядро предикатив алоқа асосида қандай синтаксема билан боғланишига қараб ўзига қўшимча семантик белгиларни ҳам қамраб олиши мумкин.

1. *To live is to respect.* Бу гапда ядро предикатив ўрнида келган элемент *to live* процессуалликни ифодалаш билан бир қаторда активлик (ҳаракат номи) ифодалаб келмоқда, *is to respect* эса процессуаллик, активлик ҳамда модалликни ифодалайди. Натижада  $NP_1$  ўрнида келган процессуал актив синтаксема ядро предикатив алоқа асосида процессуал актив синтаксема билан боғланади. Синтаксема модели: PrAc . PrAcMd.
2. *To see her was delight.* Гапда ядро предикатив 1 ўрнида келган синтактик бирликнинг синтактик сатҳдаги семантик майдонини топиш учун ядро предикатив 2 ўрнида келган синтактик бирлик *was delight* элементларининг синтактик-семантик белгиларини аниқлаш мақсадга моликдир.

Ядро предикатив 2 компоненти *was delight* квалификатив, квалитатив синтаксемани ифодалайди. *To see* –эса процессуал актив квалитативлик юклатилган синтаксемадир. Ушбу гап таркибида ядро предикатив 1 элементига тобе синтактик бирлик *her* эса субстанциал ва объектликни ифодалайди.

*To see her was delight* → *She is seen was delight.*

<sup>1</sup> Самарқанд давлат чет тиллар институти Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси



Ядро предикатив алоқа асосида процессуал квалитативлик юклатилган актив синтаксема квалификатив квалитатив синтаксема билан боғланса, субординатив алоқа ёрдамида субстанциал объект синтаксема билан боғланади.

Бу гапнинг синтаксема модели куйидагича ифодаланади:

PrAcQlt . SbOb . QlfQlt.

3. *It is easy to criticize* them гапидаги синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишдан олдин куйидаги трансформацияга тушириш мақсадга мос келади, чунки бизнинг асосий тадқиқот объектими инфинитив бўлганлиги туфайли ҳамда унинг гапдаги ўрни ядро предикатив 1 компонентининг таҳлили сабаб бўла олади.

*It is easy to criticize them* → *to criticize them is easy*.

Бу гапда ҳам *to criticize* ядро предикатив 1 компоненти ўрнига келиб, процессуалликни ифодалайди, ядро предикатив алоқа асосида квалификатив статив синтаксема билан боғланганлиги туфайли *is easy* ифодалаган стативлик *to criticize* синтактик бирликка юклатилади. Натижада ядро предикатив 1 ўрнида келган элемент процессуал стативлик юклатилган актив синтаксемани ифодалайди. *Them* синтактик элемент эса *to criticize* компонентига тобе бўлиб субординатив алоқа ёрдамида боғланиб, унинг дифференциал синтактик-семантик белгиси субстанциал объект синтаксемани ифодалайди. Унинг синтаксема моделини куйидагича ифодалаш мумкин:

PrStAc . SbOb . QlfSt.

4. *It is easy to criticize* them гапидаги синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишдан олдин куйидаги трансформацияга тушириш мақсадга мос келади, чунки бизнинг асосий тадқиқот объектими инфинитив бўлганлиги туфайли ҳамда унинг гапдаги ўрни ядро предикатив 1 компонентининг таҳлили сабаб бўла олади.

*It is easy to criticize them* → *to criticize them is easy*.

Бу гапда ҳам *to criticize* ядро предикатив 1 компоненти ўрнига келиб, процессуалликни ифодалайди, ядро предикатив алоқа асосида квалификатив статив синтаксема билан боғланганлиги туфайли *is easy* ифодалаган стативлик *to criticize* синтактик бирликка юклатилади. Натижада ядро предикатив 1 ўрнида келган элемент процессуал стативлик юклатилган актив синтаксемани ифодалайди. *Them* синтактик элемент эса *to criticize* компонентига тобе бўлиб субординатив алоқа ёрдамида боғланиб, унинг дифференциал синтактик-семантик белгиси субстанциал объект синтаксемани ифодалайди. Унинг синтаксема моделини куйидагича ифодалаш мумкин:

PrStAc . SbOb . QlfSt.

Охирги гапни ҳам синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилганимизда худди шундай дифференциал синтактик-семантик белгиларни қамраб олганининг гувоҳи бўламиз:

1. *It is possible to teach children* → *To teach children is possible*.

PrStAc . SbOb . QlfSt.

Юқорида келтирилган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда айтиш мумкинки, инфинитив гапда ядро предикатив 1 ўрнида келганида процессуал актив (*PrAc*), ядро предикатив алоқа асосида процессуал актив модал синтаксема билан боғланиши мумкин. Процессуал квалитативлик юклатилган актив синтаксема эса квалификатив квалитатив негатив синтаксема билан боғланса, процессуал стативлик юклатилган актив синтаксема эса квалификатив статив синтаксема билан боғланади.

Инфинитив гап таркибида кесимнинг бир қисми вазифасида келганида, у асосан модал феъллар ва уларнинг муқобиллари билан бирикиб келгандагина гапда у кесимнинг бир қисми ҳисобланади. Шу боис куйидаги гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қиламиз:



(1) *I must write letters* гапиди *I*- ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келиб, субстанциал агентивликни (харакат ижрочиси) ифодалайди, *must write* эса ядро предикатив 2 компонент ўрнида келиб, процессуал модал актив синтаксемани ифодалайди. Охирги элемент *letters* эса субстанциал объект синтаксемани англатади.

Кесим ўрнида келган процессуал модал актив синтаксема ядро предикатив алоқа базасида субстанциал агентив синтаксема билан боғланса, субординатив алоқа асосида субстанциал объект синтаксема билан боғланади. Бу гапнинг синтаксема модели куйидагича бўлади:

SbAg . PrMdAc . SbObj.

2) *We must be well*. Навбатдаги гапни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилганимизда, ядро предикатив 2 ўрнида келган синтактик бирликлар *must be well* бутунлай бошқа синтаксемаларни ифодалайди. Яъни, *must be well*- квалификатив модал квалитатив синтаксемани ифодалайди, ядро предикатив 1 ўрнида келган *we*- субстанциал квалитативлик юклатилган синтаксемадир. *NP<sub>2</sub>* ўрнида келган квалификатив модал квалитатив синтаксема ядро предикатив алоқа ёрдамида субстанциал квалитативлик юклатилган синтаксема билан боғланади. Унинг синтаксема моделини куйидагича ифодалаш мумкин:

SbQlt . QlfMdQlt.

1. They were supposed **to be resting**.

2. Want her **to be perfect**.

Бу гаплардан (1) аъъанавий грамматикаларда инфинитивли субъектив конструкциялар деб аталиб, уларнинг синтактик таҳлилида тилшуносларнинг фикрлари бир-бирига мос келмайди. Ундан ташқари бундай конструкцияли гапларда иштирок этаётган синтактик бирликларнинг семантик майдони тадқиқотчилар назаридан четда қолганлигининг гувоҳи бўлди. Шунинг учун ҳам ҳар бир гапни алоҳида синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга моликдир.

Биринчи гапда *they*- ядро предикатив 1 ўрнида келиб икки синтактик алоқа, яъни *were supposed* билан ядро предикатив алоқа билан боғланса, инфинитив *to be resting* билан эса ядро бўлмаган предикатив алоқа ёрдамида боғланади. Натижада *they* категориал синтактик-семантик белгилардан субстанциалликни ифодаласа, *were supposed* компонентига нисбатан объектликни ифодалайди. Бунинг асосий сабаби *were supposed* компоненти процессуал актив дериктив синтаксемани ифодалаганлиги натижасидир. Уни исботи эса тушириб қолдириш ва депассивизация трансформацияга тушишидир:

*They were supposed to be resting* → *they were supposed* → *I supposed them*.

*They* компоненти *to be resting* элементига нисбатан агентивлик синтаксемани ифодалайди. Бу ҳолни ҳам куйидаги трансформация, яъни инфинитивни финит форматтрансформацияга айлантириш мумкинлигидир:

*They were supposed to be resting* → *they ... to be resting* → *they are resting*.

Натижада, инфинитив *to be resting*- процессуал актив континуатив синтаксемани ифодалайди. Ундан ташқари ядро предикатив 1 ўрнида келган *they* компонентининг субстанциал объект агентив синтаксемани ифодалашини янада равшанроқ кўрсатиш мақсадида куйидаги трансформацияга қўйиш мумкин:

*They were supposed to be resting* → *I supposed them to be resting*.

Гапнинг синтаксема моделини куйидагича тасвирлаш мумкин:

SbObAg . PrAcDr . PrAcCn.

*I want her to be perfect*. Гапнинг тагига чизилган қисми *her to be perfect* аъъанавий грамматикаларда юқорида айтганимиздек инфинитивли объектив конструкциядеб номланиб келинган ва унинг синтактик вазифаси мураккаб тўлдирувчидан иборат. Аммо ушбу инфинитивли объектив конструкцияга берилган қоидада гап таркибида келган инфинитив



гапнинг тўлдирувчисига предикат муносабатда бўлиб, гапнинг тўлдирувчиси кишилиқ олмоши билан ифодаланган бўлса, у объект келишигида келиши ёки тўлдирувчи от билан ифодаланган бўлса, у бош келишигида келади деб иаъкидланади. Аммо бу берилган қоида инфинитивли объектив конструкция таҳлилига мос келмайди. Унинг асосий сабаби гап таркибида иштирок этган инфинитив билан кишилиқ олмошининг объект келишигида берилган элементлар ўртасидаги синтактик муносабат ёки алоқа ўрганилмаган. Бу қурилмани лисоний методлар асосида таҳлил қилинганда гап таркибидаги *her* ва *to be perfect* ўзаро ядро бўлмаган предикатив алоқа асосида боғланади. *To be perfect* элементларининг категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан квалификативликни ифодаласа, нокатегориал белгилардан эса квалитативликни ифодалайди. Бундай дифференциал синтактик-семантик белгиларни исботлашда, айниқса квалитативликни ифодаловчи синтактик бирлик олдиан *more* (компоратив) элементини қўшиш мумкин.

*I want her to be perfect* → *I want her to be more perfect* ёки инфинитивли объектив конструкцияни трансформация номинализацияга айлантириш мумкин:

*I want her to be perfect* → ... .. *her to be perfect* → *a perfect woman/man*.

Шундай қилиб, гапда *her*, яъни кишилиқ олмоши объект келишигида икки валентли компонент ҳисобланади. Чунки *her* элементи *want* компонентига нисбатан субординатив алоқа ёрдамида боғланса, *to be perfect* билан эса ядро бўлмаган предикатив алоқа асосида боғланади. Натижада, *her* субстанциалликни ифодалаш билан бир қаторда *want* элементига нисбатан объектликни ифодаласа, *to be perfect* компоненти ифодалаган нокатегориал квалитативлик юклатилади.

*I want her to be perfect*. SbAg . PrAcDz . SbObQlt . QlfQlt.

Охириги гапда ***I wished him be a teacher*** инфинитив *be a teacher* ядро бўлмаган предикатив 2 ( $\tilde{NP}_2$ ) компоненти ўрнида келиб, *him* элементи билан ядро бўлмаган предикатив алоқа ёрдамида боғланади. *Him* эса ўз навбатида *wished* компонентига тобе бўлиб, у билан субординатив алоқа асосида боғланади. Натижада, *him* синтактик бирликнинг дифференциал синтактик- белгиси *wished*га нисбатан ядро бўлмаган тобе ( $\tilde{NDP}_1$ ) компонент бўлса, *be a teacher* компонентига нисбатан предикатив 1 ( $P_1$ ) ҳисобланади.

Уларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқласак *him* элементи икки валентли синтактик бирлик категориал белгилардан субстанциалликни ифодаласа, *wished* компонентига нисбатан олинганда объектликни ифодалайди, *be a teacher* компонентига нисбатан эса идентификациялашган синтаксемани ифодалайди. *Be a teacher* ўз навбатида субстанциал идентификацияловчи ҳам (классифицирующая) синфга ажратувчи синтаксемадир. Бу ҳосилани қуйидаги трансформацияда кўришимиз мумкин:

*I wished him be a teacher* → ... .. *him be a teacher* → *he is a teacher*.

Демак, *I*- субстанциал агентив синтаксема, *wished*- процессуал актив дезидиратив синтаксема, *him*- субстанциал объект идентификацияланган синтаксема, *be a teacher*- субстанциал идентификацияловчи синфга ажратувчи синтаксемалар ифодаланган. Бу гапнинг синтаксема модели қуйидагича:

SbAg . PrAcDz . SbObId<sub>1</sub> . SbId<sub>2</sub>Cl.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ушбу мақолада инглиз тили гап қурилмасида феълнинг шахссиз шаклларида инфинитивнинг синтактик ўрни, инфинитивли гапларни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Khaymovich B.S., Rogovskaya B.A. A Course in English Grammar. Moscow.: Высшая школа, 1967, 298p
2. Gordon E.M., Krylova I.P. A Grammar of Present- Day English. Moscow, Higher School Publishing House, 1974.234p.



3. Бўронов Ж., Ҳошимов Ў., Исмадуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1974, 352б.;
4. Смирницкий А.И. Морфология английского языка: М.: Лит. на иностр. яз., 1957.-286стр.
5. Турниёзов Н.К. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. Самарқанд: СамДУ, 1989.-76 бет;
6. Мухин А.М. Лингвистический анализ: Теорическая и методологическая проблемы.-Л.: Наука, 1976, -282 стр.;
7. Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблемы уровней языка. –Л.: Наука, 1980, -304 с.;
8. Sirojiddinova, S., & Rajabov, M. (2019). Modern methods in teaching foreign languages. *SCOPE ACADEMIC HOUSE B&M PUBLISHING*, 100.

